

Ушбу сонда:

2 ШИКОЯТ ТЕКШИРИЛДИ, АДОЛАТ ЎРНАТИЛДИ

3 УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ КУТАДИ

4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР



# ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 7 сентябр, шанба № 145 (1362)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг тақлифига биноан шу йил 9 сентябр кунин расмий ташриф билан Қозоғистонда меҳмон бўлади. Ташриф чоғида Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор муҳим икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## ЯНГИЧА МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИ ДАВОМИЙДИР

Бир неча кундан буён Япония молия вазирининг катта ўринбосари Такайоши Танигучи раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Таъкидламоқ керакки, Кунчиқар мамлакат ҳукуматида Молия вазирлиги ўта муҳим ўрин тутди. Молия, банк, божхона, солиқ, сугурта тизимларига доир миллий ва халқаро миқёсдаги масалалар шу вазирлик томонидан мувофиқлаштирилади. У мамлакат бюджетини тайёрлаб, ижросини таъминлайди.

Мақсуд делегация Ўзбекистоннинг қатор вазирлик ва идораларида музокараликлар ўтказди. Жумладан, ташриф давомида икки мамлакат молия вазирликлари ҳамда ЕТБ ўртасида Япония ҳукумати томонидан «Асакабан»ни хусусийлаштиришга қўмақлаштириш мақсадида грант ажра-



тилиши тўғрисидаги баёнот имзоланди. 6 сентябр кунин Оқсаройда меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қабул қилди. Сизни нафақат Молия вазирлиги раҳбариятининг аъзоси,

балки Япония парламентида муҳим қарорлар қабул қилишда нуфузли ўрин тутадиган депутат сифатида ҳам аъзо бўлганмиз, — деди Ислам Каримов учрашувда. — Дарҳақиқат, мамлакатимиз раҳбарининг июл ойи охирида Японияга буюрган расмий ташри-

фи 11 сентябр воқеаларидан кейин шундоқ ҳам янада юқалиши йўлини тутган ўзаро муносабатларимизни янги поғонага олиб чиқди. Ушбу ташриф асосида жами 14 ҳужжат имзоланди. Оқсаройдаги учрашувда муваффақиятли кечган бу муҳим ташриф ҳар томонлама алоқаларимизга бундан буён ҳам катта қуч ва юқори суръат бағишлайвериши таъкидланди. Меҳмон икки мамлакатнинг айниқса иқтисодий ҳамкорлиги жадал ривожланаётганидан мамнуният изҳор этди, Япония томони Ўзбекистон билан келгусида ҳам барча соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтиришга тайёр эканлигини таъкидлади. Учрашувда ҳам шу мавзуга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

### Фарғона хабарлари

#### НУРОНИЙЛАР БОФИ

Бувайда туманидаги «Шарк юлдузи» фермерлар бирлашмасига қарашли 10 гектарга яқин экинзор негизда «Нуронийлар бофи» барпо этилди. Бу табиаррук инсонларга Мустақиллигимизнинг 11 йиллик катта тўйига аталган муносиб соғалардан бири бўлди. Энди бу қутлуг масканда қизикарли учрашувлар ўтказилади, концертлар намойиш этилади. Қадрдонлар бир пайёла чой устида дийдорлашадилар.

#### ЯНА БИР ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Қувадаги Шредер қишлоғида барча қулайликларга эга бўлган врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Бу ҳайли иш учун давлат хазинасидан 47 миллион сўм сарфланди. Шиоф маскани энг яхши тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

#### ТАДБИРКОР МАКТАБ ҚУРДИ

Раҳматжон Эркабоев номи эндиликда оптиклар томонидан алоҳида ҳурмат билан тилга олинмоқда. У бошқилиқ ҳусусий қурилиш корхонаси жамоаси яқинда галдаги савобли ишни амалга оширди. Саховатпеша қишлоқ туманидаги 14-мактабга 360 ўринли ўқув маскани қуриб беришди. Барча ҳажратлари ўз зиммасига олган тадбиркорлардан мактаб жамоаси, ёшлар ва ота-оналар беҳад мамнун бўлишмоқда.

#### ИШЧИ СУЛОЛАРИ ТАНЛОВИ

Ўқилги, энергетика-геология ва кимё саноти ходимлари қасаба уюшма Фарғона вилоят кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу кўриқда 14 та ишчи сулоласи фаол иштирок этди. Мамарўзи Содиков ярим аср мобайнида Фарғона нефтини қайта ишлаш заводида сидқидилдан ишлади. Айни кунларда унинг ўғли Лутфулло, келинлари Раъноноҳ, Мухайбонлар, қизлари Шоира, Шаҳноза, набираси Фаррухлар мақсуд корхонада фаолият юритиб келишмоқда. Эътиборлиси шунки, Содиковлар сулоласи танлов голби бўлди. Уларга қimmatбоз эсадлик совғалари топширилди. М.СОБИТОВ, «Ишонч» мухбири.

## ШАҲРИСАБЗ: ТҲЙҒА ТАРАДДУД ҚИЗҒИН

Вазирлар Мақамасининг «Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарори эълон қилингандан буён ўтган салкам олти ойлик давр мобайнида ушбу тарихий шаҳарда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Хусусан, миллий меъмориликнинг юқсак намунаси сифатида ўзининг беқиёс маҳобати, нафис шарқона безаклари, мангуликка дахлдор жиҳатлари билан асрлар мобайнида бутун дунёни ҳайратга солиб келадиган Оқсарой ёдгорлиги, Доруттиловат, Доруссаодат мажмуалари, Чубин мадрасасида кенг кўламли таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди.

Шаҳар юбилейига тайёргарлик муносабати билан кўча ва хиёбонларда, маҳалларда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳам кизгин тус олган. Ўтган даврда бу ерда қарийб 2 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари амалга оширилган бўлса,

шу маблагнинг тахминан ярми тарихий обидаларни таъмирлаш ва тиклаш, қолган қисми эса бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари сарфланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлағанов раҳбарлигидаги Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий кўмитасининг мақсуд шаҳарда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида шу ҳақда сўз борди. Унда шаҳарда амалга ошириладиган қурилиш, таъмирлаш, ободончилик ва ташкилий ишларнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар батафсил таҳлил этилди. Мавжуд муаммо ва камчиликларни тезда бартараф этиш юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов, Қашқадарё вилояти ҳокими Б.Хамидов иштирок этди.

(ЎзА).

Наманганнинг Давлат-обод туманида жойлашган мақсуд вилоятлараро 6-мехрибонлик уйида Фарғона водийси барча вилоятларидан турли миллатга мансуб юздан ортиқ бола яшаб таълим олади.

### БОЛАЛАРГА СОВҒАЛАР

Бу ердаги болалар ва қизлар алоҳида ижтимоий ва психологик ҳимояга муҳтож. Болалар муассасаси тарбияланувчилари ўқув йили бошида турли ташкилотлардан совғалар олишди. Корейс маданият марказининг вилоят бўлими ва қатор халқаро хайрия ташкилотлари болаларга умумий қиймати 100 минг сўмдан ортиқ ўйинчоқ, кийим-кечак, поябзал, ўқув қуролларини ҳадя қилди.

(ЎзА).

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами - Мустақиллик куни муносабати билан болгар халқи ва шахсан ўз номидан гоёт самимий қутловларни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар келгусида ҳам фаол ривожланишда давом этиб, болгар ва ўзбек халқларининг манфаатлари йўлида барқарор сивсий ҳамда иқтисодий му-

лоқот ва ҳамкорликнинг ўрнатилишига қўмақлашади.

Жаноби Олийлари, фурсатдан фойдаланиб, Сизга бўлган чуқур эътиромимни яна бир бор изҳор этаман ҳамда Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва Ўзбекистон фаровонлиги йўлидаги юқсак масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Георги ПАРВАНОВ,  
Болгария Республикаси Президенти

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Миллий куни байрам қилиниши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига қизгин табрикларимни йўллаш мен учун шарафдир.

Халқларимизни бирлаштириб турган дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжихатлиқни кучайтириш зарурлигига ишончим комил.

Ўзбекистон Республикаси халқи ва ҳукуматиға ўз қутловларим ниҳоясида Сиз, Жаноби Олийларига бўлган гоёт юқсак эътиромимни изҳор этаман.

Висенте Фокс КЭСАДА,  
Мексика Қўшма Штатлари Президенти

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами нишонланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига, ҳукуматингиз ва мамлакатингиз халқиға самимий табрикларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт, халқингизға эса фаровонлик тилакларимни қабул этгайсиз.

Табо Мвуйелва МБЕКИ,  
Жанубий Африка Республикаси Президенти

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номидан қизгин мувоабод этиш ва самимий табриклар йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Ма муносабатларимиз яқин йилларда янада кенгайиб ва мустаҳкамлашиб боришиға умид билдираман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омонлик, Ўзбекистон Республикасиға тинчлик ва фаровонлик тилаб билдирган эзгу истақларимни қабул этгайсиз.

Чандрика Бандаранаике  
КУМАРАТУНГА,  
Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти

# КУРАШ ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА

## Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида кураш бўйича IV жаҳон чемпионати зўр муваффақият билан якунланди

Аввало, мақсуд тадбир доирасида ўтган Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) ижроия кўмитасининг йиғилиши ҳақида. Анжуманда курашнинг бутун дунёда ривожлантириш ва янада омивийлаштириш, Осиё ўйинлари дастурига киритиш, ўсмирлар ўртасидаги навбатдаги жаҳон биринчилигини ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Кўмита қарорига биноан бу ўзбеконани спорт турига ихлоси балинд хорижлик ёшлар ассоциация хузуридаги Халқаро кураш институтида таълим олиш, мурабийи ва ҳақамлар эса Халқаро кураш академиясида малака ошириш имконига эга бўлди.

КХАнинг V конгресси ҳам бўлиб ўтди. Унда муҳокама этилган масалалар орасида энг муҳимларидан бири - ассоциация президентининг сайлови бўлди. Ўтган тўрт йил давомида КХАга раҳбарлик қилиб келган Комил Юсупов мақсуд лавозимга қайта сайланди. Беллашув қоидаларига ҳам бир қанча ўзгартриш киритиш ва бундан кейин жаҳон чемпионатини хар икки йилда бир марта ўтказишга келишиб олинди. Қитъалардаги конфедерацияларнинг фаолияти

билан боғлиқ ҳисоботлар берилди. 2003 йил ўсмирлар чемпионати октябрь ойида Шри-Ланка пойтахти Коломбо шаҳрида ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Алоҳида таъкидлайдиган томони, 36 давлат вакилларидан иборат конгресс қатнашчилари икки соат давом этган баҳс-мунозаралардан кейин ҳам 2004 йилги жаҳон чемпионати қаерда ўтказилиши ҳақида бир тўхтамга кела олмади. Бир йўла тўрт мамлакат - Бразилия, Боливия, ЖАР, Россия нуфузли мусобақа мезбонлиги учун жиддий курашди.

Конгресс иштирокчилари кураш ватани - Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан Президент Ислам Каримов тимсолида бутун ўзбек халқиға табрик йўллади.

Жаҳон чемпионатининг расмий қисми якунланганга, барчанин эътибори кураш мусобақаларига қаратилди. Оғирлиги 81 килограмм бўлган полвонлар беллашувда Ўзбекистон ва Бразилия полвонлари ўзини кўрсатди. Финалда ҳамюртимиз Исоқ Аҳмедов бразилиялик Александр Гуэдес билан

бел олишди. Қизғин ва муросасиз кенган беллашувдан сўнг қашқадарёлик Исоқ полвон жаҳон чемпионати бўлгани эълон қилинди. Бу ваазна грузиялик Николас Бибилашвили ва туркиялик Иракли Узнэдес бронза медалларига сазовор бўлди.

Бразилияликлар менин кураш услубимни видеотамага тушириб, обдон ўрганган экан. Аньанавий усуллар фойда бермаган, қутилмаган йўлини туддим - чилини орқадан бердим ва А.Гуэдесни мағлуб этдим. Узоқ йил кутганим бу зафаримни Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллик тўйига бағишладан бахтиёрман.

Вазни 90 килограммга бўлган спортчиларнинг финал баҳсида ҳам Ўзбекистон ва Бразилия полвонлари куч синашди. Бу гал омад жанубий америкалик пахлавонда бўлди. Давлат Чориев ҳарчанд ҳаракат қилмасин, Маркос Дауони енга олмади ва кумуш медал билан кифояланишга мажбур бўлди. Кейинги ўринларни мезбонлардан Харутсун Гарбибян ва эронлик Алириззо Санойи эгаллади.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда туркиялик курашчилар ўзини кўрсатди. Кураш

бўйича биринчи жаҳон чемпионати Илкнур Кобаш мурабийлиги остида чемпионатга тайёргарлик қўрган Октан Эбеу ўз ваазни тоифасида олтин, Эргел Сехрибан эса кумуш медалга сазовор бўлди. Шунингдек, Арманистон, Туркменистон, Россия, Полша, Бразилия вакиллари ўз терма жамоалари ҳисобиға медаллар эғди.

Биринчиликнинг иккинчи кунин эркақлар 73 килограмм ва мутлақ вазн тоифасида беллашган бўлса, қизлар фақат мутлақ вазна курашда. Грузиялик Арчил Кохелин ўзбекистонлик Рамзиддин Саидовни энгиб, жаҳон чемпионати бўлди. Иккита бронза медали мўғулистонлик Дамдин Сулдбайар ва полшаллик Адам Жайковскиға насиб этди.

Мутлақ вазн тоифасидаги баҳсларда яна бразилияликлар ўзини кўрсатди. Чемпионатда 81 килограмм ваазнадаги полвонлар беллашувда И.Аҳмедовдан энгилган А.Гуэдес мутлоқ вазн тоифасида ўздан бир неча ўн кило оғир полвонларни шошириб қўйган бўлса-да, яна кумуш медал билан кифояланишга мажбур бўлди. Функи финалда унга қарши дунёға донги кетган пахла-

Бухорода халқ таълими ходимларининг учинчи аънавий спартакиадаси бўлиб ўтди. Аввалгидек, уни таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмасининг марказий кенгаши Халқ таълими вазирлиги кўмагида ташкил этди.

Хар бири 15 нафар иштирокчидан ташкил толанг ўқитувчилар жамоалари спортнинг тўрт тур бўйича беллашди. Улар минифутбол, шашка, шахмат, стол теннисида ўз шахоратларини намойиш этишди.

### ЎЗИНГИ КЎРСАТ, ЎҚИТУВЧИ

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси етакчиси З.Қодиров ва Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари М.Бўровон 200 нафардан ортиқ қатнашчиға муваффақият тилаганда, таъликий, ким голиб чиқисини билмаган. Лекин шуни сеники, улар болалар ва ўсмирлар ўз ўқитувчиларидан ўрнак олиниши хохлашган. Мусобақалар ёрқин, курашға бой бўлди - очилши маросимининг ўзига уч минг киши тўпланди.

Ҳақамлар ҳайбати биринчи ўринға Бухоро ўқитувчилари жамоасини лойик деб топди, тошкентликлар иккинчи, Фарғона жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Шу турдаги дастлабки спартакиадалар Тошкент ва Жиззахда ўтказилган эди. Кейинги мусобақалар Наманганда бўлиб ўтади.

(ЎзА).

Озод РАҲАБОВ,  
Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,  
ЎЗА маҳсуи мухбирлари  
Тошкент-Ереван-Тошкент

Давлат дастури — амалда

Инсон — моддий бойлик яратувчи. Демак, у соғ бўлса унумли меҳнат қилади, халқ дастурхонини маъмур этиш ишига катта ҳисса қўшади. Шу боис инсон соғ бўлса, тоғни ағдаради, деган нақл беиз айтилмаган бўлса керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастури тўғрисидаги Фармонида сўнг бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мазкур Фармон шарофати ила Хоразм вилоятида ҳам мақтовли ишлар амалга оширилди. Республикада ягона, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган жаррохлик маркази қурилиб, ишга туширилди. Дастур асосида республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг 160 ўринга эга бўлган Урганч филиали, 200 ўринли Янгибозор марказий туман поликлиникаси, 60 ўринли ўсма касалликлар бўлими, шунингдек, 100 ўринга мўлжалланган вилоят-таносил касалликлари диспансери, ўсмирлар шифохонаси бунёд этилди. Аини пайтда Шовот марказий шифохонаси болалар бўли-

ИНСОН САЛОМАТ БЎЛСА

ми, Хонқа марказий шифохонаси жаррохлик бўлими, Хива марказий шифохонасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари кишининг ҳавасини келтиради. Шунингдек, вилоятда тиббий соҳани маблағ билан таъминлаш ҳам йилдан-йилга яхшилана бормоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасига 1991 йилда 81 миллион сўм сарфланган бўлса, бу рақам жорий йил бошига келиб 5.8 миллиард сўмни ташкил қилди. Республика Вазирилари



ўрта малакали тиббиёт ходимлари меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг малакаларини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада мақсадли режа-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, биргина ўтган йилда 569 шифокор, 1570 нафар ўрта тиббиёт ходими ўрта малакаларини оширдилар. Бугунги кунда вилоят аҳолисига 36 та шифохона, 187 та амбулатория поликлиникаси, жумладан, 93 та қишлоқ, 1 маҳалла врачлик пункти, 40 та қишлоқ врачлик амбулаторияси аста-секин қайта-қайта қуриб бораётган бўлиб, уларнинг ўзини қишлоқ врачлик пунктига эгалламоқда. Бу эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишда янада катта имкониятлар очмоқда.

И.ЖУМАШЕВ, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари.



ИСТИҚЛОЛ КОЛЛЕЖЛАРИ

Навбахор туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалигида қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари тайёрлайдиган касб-хунар коллежи иш бошлади. Янги ўқув йилида 900 ўқувчини бағрига олган ушбу коллеж ўндан ортиқ йўналиш бўйича қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрлашга ихтисослашган. Қурилиш ишларига 1 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланган иншоотнинг барча ўқув хоналари, фан кабинетлари, компьютер хоналари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун ҳам етарли шароит мавжуд.

Эндиликда туман қишлоқ хўжалиги мутахассислари ҳам шу ерда малака оширади. Янги ўқув йилида Нарпай туманида 900 ўқувчига мўлжалланган қурилиш ва маиший хизмат коллежи ишга тушди. Уни «Зарафшон» қурилиш фирмаси бунёдкорлари қисқа муддат ичида қуриб битказди. Коллежда 680 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Унда ўқувчи-ёшларнинг билим ва хунар эгаллаши учун барча шароит мавжуд.

Куйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» тажриба хўжалиги худудида истиқомат қилувчи аҳоли болажонлари янги ўқув йилини замонавий мактаб биносида бошлади. Бу ерда спорт мазмуни, минни футбол майдони ҳам ўқувчилар ихтиёрида. Мазкур мактаб биноси қурилишига 115 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Уни қисқа муддатда тумандаги «Бунёдкор-А» фирмаси қурувчилари барпо этди.

(ЎЗА).

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

НОГИРОН МУШКУЛИ ОСОН БЎЛДИ

Хаёт тасодифларга тўла. Тошкент шаҳридаги «Оловдан кучли» корхонаси ишчи Уғилжон Ишмухамедова касб касаллигига чалиниб қолди. Шифокорлар унинг ишлаш қобилиятини 60 фоизга йўқотган деб топиб, иккинчи гуруҳ ногиронлигига чиқаришди. Уғилжон ўз соғлигига етказилган зарарни тўлашларини сўраб бир неча бор корхона раҳбарлигига мурожаат этди. Лекин негадир ҳақли талаби жавобсиз қолаверди. Шундан сўнг у ҳақиқатни тиклашда ёрдам сўраб Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари кенгашига ариза берди. Касаба уюшма ходимлари мазкур корхонада бўлиб масалани атрафлича ўрганиб чиқдилар. Бу ҳақда Тошкент шаҳар металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабаси уюшма кўмитасининг раиси Ш.Исроилов шундай деди:

— Ўз соғлигига етказилган зарар учун товон пулини ундиришда касабаси уюшма ташкилотларига мурожаат этаётган меҳнаткашлар учраб турибди. Биз бу ишларни қонун доирасида ва ҳолис кўриб чиқишга ҳаракат қилганмиз. Узоқ йиллар корхонада ишлаб касб касаллигига чалинган ногиронларнинг кўнгли нозик бўлади. Уларга ҳар бир раҳбар қўлидан келган ёрдамни аямаслиги зарур. Уғилжон Ишмухамедованинг аризасини «Оловдан кучли» корхонаси раҳбарлари билан биргаликда муҳокама қилдик ва у ижобий ҳал этилди. Корхона бўйича махсус буйруқ чиқарилиб, унга бир йўла берилган нафақа ва ҳар ойда соғлигига етказилган зарар учун тўланадиган пенсия миқдори белгиланди.

Н.РАФИКОВ, «Ишонч» мухбири.

Ўта мураккаб вазиятларда Омбудсманнинг судларда иштирок этиш ҳуқуқий шароитларини барпо этиш мақсадида ўзини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш ҳужжатлари билан танишиш ва ҳоказолар учун Омбудсманнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари бўйича Вакил тўғрисидаги қонунларга тақлифлар киритиш муҳим ҳисобланади. 5. Конституцияда акс эттирилгани. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил институтига бағишланган махсус меъёрлар йўқ. Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилга бағишланган махсус меъри киритиш мақсадга мувофиқ. Омбудсман конституцион маконини мустақамлаш бизнинг мамлакатда юқори давлат даражасида фуқаро ва инсон ҳуқуқлари устунлигини тан олиш ва жамиятда оммалаштириш демакдир. 2000 йилдан «Ўзбекистон Республикаси баъзи бир қонунчилик актлари»га ўзгартириш ва тўлдиртириш киритиш» тўғрисидаги Қонун билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида» (Охири. Боши ўтган сонларда).

ОМБУДСМАН фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни икки палатали парламент шароитида такомиллаштириш

дид вакиллари Омбудсман худудий вакили институтининг фаолиятини кенгайтириш ва фаоллаштириш мақсадида Омбудсман худудий вакили маконини, ваколлати ва функциялари ҳақида низоомлар қонуний равишда акс этиши лозим. Қутилаётган парламент тизимини ислоҳ қилиш олдидан Омбудсман шу йил ўзининг Олий Мажлис кўмита ва комиссиялари билан ҳамкорлик қилиш концепцияларини ишлаб чиқди, парламентнинг назорат ва қонунчилик фаолиятига қатнашишининг муҳим йўналишларини белгилаб олди. Инсон ҳуқуқларига риоя этиш соҳасида парламент томонидан назорат қилиш самарадорлигини оши-

риш, умумлаштиришни бартараф этиш, инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил ҳамда Олий Мажлис кўмита ва комиссиялари назорат фаолиятини йўналтириш ва ҳамкорлик тизимини яратиш ҳолати Концепциявий қонунлар ижросини назорат қилишга тайёрлов, назорат рузалар ва фуқароларнинг имкониятларини гуруҳ таҳлилини тақдим этишни киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Органлар ва шахсларнинг қонунга бўйсунмаларини назорат қилишнинг кучайтириш мақсадида инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил ҳамда Олий Маж-

Ижтимоий ҳимоя БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИДА 75 нафар фуқаро ишли бўлди

Муборак туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 92 корхона 145 иш ўринлари билан иштирок этди. Шу кун турли мутахассисликлар бўйича иш сўраб мурожаат қилган 75 нафар фуқаро билан шартномалар имзоланди.

— Аҳолини ишга жойлаштириш, касбга йўллаш асосий диққат - марказимизда турибди, - дейди меҳнат бўлими бошлиғи Мухсин Азизов. — Шу кун меҳнат бозорига 25 нафар ишсизлар вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишига жалб қилинган бўлса, 10 нафар ёшлар турли касбларга йўналтирилдилар. Йил бошидан буён ўтказилган

меҳнат бозорларида 500 нафарга яқин фуқаро иш сўраб мурожаат қилган бўлса, уларнинг асосий қисми доимий иш билан таъминланди. Шу сабабли ишга жойлашган 350 нафар фуқаро меҳнат бўлими вакиллари билан мамнун эканликларини билдиришмоқда. 180 нафар ёш жамоат ишига жалб қилинди.

ТУМАНДА ТИЖОРАТ БОЗОРИ

Муборакликлар яна бир қўлайликка эга бўлдилар. 61 минг нафардан ортиқ аҳоли иштирок қилаётган туманда кейинги йилларда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириляпти. Кенг ва раво кўчалар, кўркем турар-жойлар маданий-маиший биноларни қўриб кўз кўнади. Шаҳар марказини иккига бўлиб турган «Занжирсарой» шох кўчасидан ўтиб борар экансиз, йўлнинг ҳар икки чеккасида очилиб турган анвоий гуллар қалбингизга янада илиқлик киритади. Хусусан, шаҳарда оқшом чўққанида соясалқин дарахлар остида дам олаётган ёшларни кўриб кўзингиз кўнади. Фавворадан оқиб туша-

ётган зилол сувлар тевадир атроф мусофоллигини таъминлайди. Соҳибқирон Амур Темур номи билан аталадиган кенг ва раво йўл Алишер

Навоий номи истироҳат боғига олиб боради. Боғнинг ўнг томонидаги деҳқон бозори доимо одамлар билан гавжум. Шунинг эътирофи этиш ке-



ракки, кейинги йилларда аҳолининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиб, деҳқон бозори рўпарасида тижорат бозори қуришдек хайри ишга қўл урилди. Бозор қурилишига асосий ҳимойлик қилишни Муборак газ конлари унитар корхонаси ҳамда Муборак газни қайта ишлаш заводи раҳбарияти ўз зиммасига олди. Умумий майдони 1,5 гектарни эгаллайдиган бозорда тижоратчилар учун барча имкониятлар яратилди. Суратда: Бозор қурилишида фаол иштирок этаётган қурувчилар.

НАМУНАЛИ ГУЗАР

Шаҳардаги «Ёшлик» маҳалласида 2000 нафардан ортиқ аҳоли, 600 оила истиқомат қилади. Маҳалла фуқаролар йиғинига иқтисодчи Туроб Жумаев раҳбарлик қилаётганига унча кўп вақт бўлмаса-да, ёшларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш, маҳаллани ободонлаштириш, тўй-ҳашамларни намунали ўтказишда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Умуман ички ишлар бўлими тасарруфидаги 273-сонли милиция таянч пункти, воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик-

ларнинг олдини олиш гуруҳи раҳбарлари маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётганликлари боис, ёшлар ўртасидаги жиноятлар бир мунча камайди. — Биз ёшларнинг ҳар томонлама қамол топишларида маҳалла фаоллари билан бирга кенг жамоатчиликка таянамиз, - дейди воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори, милиция катта лейтенанти Фарҳод Абдуллаев. — Аини пайтда туманда 28745 нафар воёга етмаганлар бўлса, уларнинг 15000 нафардан ортиги мактаб ўқувчилари-

дир. Биз оила - маҳалла - мактаб йўналиши бўйича иш олиб бораёламиз. Бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Маҳалла гузарига про-филактика инспектори, дам олиш хонаси, маънавият ва маърифат хонаси мавжуд. Бу ерга юмуш билан келган ҳар бир киши гузардаги ободончиликни кўриб қувонади. Тўй-ҳашамлар, турли тадбирлар ҳам шу ернинг ўзида ўтказилади. Ушбу маҳалла Ўзбекистон оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқарувининг кўриқ-танловида



Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

Биздан сўраган эдингиз

нида аниқланган ҳуқуқий бoshқаришдаги етиш-мовчиликларни бартараф этиш учун инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича тақлифлар киритишни талаб қилинади. Ҳозирги пайтда нодав-

сиялари, депутатлар фракциялари ва Олий Мажлис уюшмалари ҳамда назорат органлари (прокуратура, суд, вазирликлар ва муассасалар, ҳокимликлар, фуқароларнинг ўз-ўзини бoshқариш органлари) билан ҳамкорлигини кенгайтириш инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқбузарликларга йўл берувчи орган ва шахсларга таъсирини кучайтириш, ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф қилиш, уларнинг фаолиятида қонун устуворлиги таъминлиги мутлақ риоя этиш тизимининг барпо этилишига имкон беради.

Келажакда мамлакатимизда икки палатали парламент шаклланиши, бизнинг фикримизча, депутатлар, сиёсий партиялар ва нодавлат уюшмаларнинг қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш масалаларини бoshқарувчи қонунчиликдаги қамчиликларни бартараф этишни кучайтиради.

«ЧИНОРБУЛОҚ» ОРОМГОҲИДА

Хисор тоғининг энг хушманзара, хушхаво Вахшивор дарасида жойлашган «Чинорбулоқ» оромгоҳи бутун ёз давомида болалар билан гавжум эди. Оромгоҳ маъмурияти Олтинсой туман ҳокимлиги билан бамааслахат энди бу ерда қарияларнинг кузги дам олиш мавсумини ташкил этди.

Хозир «Чинорбулоқ»да 80 нафар меҳнат ва уруш фахрийларидан иборат қариялар дам олмақда. Вилоятнинг бошқа туманларидаги оромгоҳларда ҳам қариялар дам олишини ташкил этиш йўлга қўйилмоқда.

Замонавий ШИФО МАСКАНЛАРИ

Бухоро туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги худудида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Бир кунда 50 беморни қабул қиладиган шифо маскани Қулба қишлоғи ва унинг атрофида истиқомат қилувчи уч мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатади. Бу ерда касалликларни аниқлаш, даволаш ва уларнинг олдини олиш учун барча шароит мавжуд. Худди шундай шифо маскани Шофирқон тумани Иброҳим Мўминов номидаги ширкат хўжалиги Тезгузар қишлоғида ҳам фойдаланишга топширилди.

М.УСМОНОВ, М.ТИЛЛАБОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг масъул ходимлари.

М.УСМОНОВ, М.ТИЛЛАБОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг масъул ходимлари.



ДУШАНБА, 9

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Талхилонома» 8.45, 17.55 ТВ маркет. 8.50 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Мусававр».

9.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.40 «Туртинчи хокимият». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар 10.05 «Сиздан угина, биздан бутгина».

11.25 Ўзбекистон телерадиоканаллари астрада-симфоник оркестрининг концерти. 11.55, 15.35, 16.30 ТВ анонс. «Болалар сайраси».

12.05 1. «Олтин тож». Телевизион ўйини. 2. «Улағиш» логоналари». 13.05 «Муслик» кеча ва бугун». 13.30 «Ошин». Телевизион. 14.10 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи». 14.50 «Кўйла, ёшлигим».

15.40 «Ит уяси». Телевизион премьераси. 16.35 «Бу ажиб фасл». Телевизион. 17.25 «ТВ» клип. (рус тилида) 17.05 «Энг ширин ковуш». Мультифильм. 17.35 «Қалб гахари». 18.10 «Олтин мерос».

18.30 «Мулк». 18.45 «Бахтли воқеа». Телевизион. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.50 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эрталоқлари. 20.15 Биржа ва банк хабарлари. 20.30 «Ахборот».

21.05 «Кўшимчи Сизга армуғон». 21.50 Теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнири қўндалиги. 22.20 «Мовий уммон қаёрида».

23.10 «Ахборот-дайджест». 23.30-23.35 Ватан тимиоллари. «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр тонги.

Сериал. 20.00 «Время». 20.35 «Кулгу хонаси». 21.20 Кинематограф. «Тарбияси бола».

СЕШАНБА, 10

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Усимликлар дунёси».

9.20 «Соз сеҳри». 9.40 «Рангин дунё». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар 10.05 «Муслик» кеча ва бугун». 10.20 «Аёллар тангоси». Бадий фильм.

11.40 «Хунарманда». 12.05 «Талабалик йилларим». 12.25, 15.00 ТВ анонс. 12.30 «Париси бор уй». 12.50 Теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнири қўндалиги.

13.20 «Шийлонгаги учрашувлар». Наманган вилояти Поп тумани дала меҳнатқилар ҳузурида. 14.10 «Кино оламида». 14.30, 15.55 ТВ клип. 14.40 «Йул бошида». 15.05 «Ит уяси». Телевизион премьераси.

16.00 1. «Сехри харфлар орлочаси». 2. «Киролликдаги саргузаштлар». Мультисериял. 16.55 «Ватанимга хизмат қиланам». 17.10 «Баркамол авлод орузи». 17.30 «Ривож».

18.40 «Ўзбекистон - Ватаним маним». 19.05 «Солик ва биз». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эрталоқлари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот».

21.05 Теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнирининг тантанали очилишдан репортаж (ёзиб олинган) 21.35 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!».

21.55 «Ўзбекистон» каналда илк мартаба: «Ошин». Телевизион премьераси. 22.25 Ўзбекистон халқ артисти М. Раззоқова куйлайди. 22.50 «Ахборот-дайджест». 23.10-23.15 Ватан тимиоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр тонги. 9.15 «Янги авлод» почтаси. «Савол беринг, жавоб берамиз».

Сериал. 20.00 «Время». 20.35 «Муслик серпантин». 21.10 Кинематограф. «Чорасиз сеғги».

ЧОРШАНБА, 11

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Кўшлуклар».

9.20 «Симфоник мусика дунёси». 9.40 «Бахтимизга омон бўлинг». 10.00, 12.00, 14.00, 17.50 Янгликлар 10.05 Алиббў сабоқлари. 10.20 «Ал-Биҳда» (Иордания). «Пахтакор» махсусий стадионидан олиб кўрсатилди.

11.55 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!» 12.25 Ўзбекистон халқ артисти М. Раззоқова куйлайди. 12.50 Теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнирининг репортаж. 13.20 «Ошин». Телевизион. 14.10 «Остонаси тилолдан».

14.30, 15.50 ТВ анонс. 14.35 «Аския». 15.00 «Ит уяси». Телевизион премьераси. 15.55 «Ўғона оилада». «Болалар сайраси»: «Кичиктойимиз-гичиктойимиз».

17.30 «Мулк». 18.00 Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси. «Пахтакор» (Тошкент) - «Ал Биҳда» (Иордания). «Пахтакор» махсусий стадионидан олиб кўрсатилди.

18.50 «Умид». Телевизион. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эрталоқлари. 20.15 «Ўзбек».

21.05 «Саваб оламида». 21.25 Юнус Раҳайб номидаги макомчилар ансамблининг концерти. 21.50 Ўзбекистон каналда илк мартаба: «Ошин». Телевизион премьераси.

22.20 «Мувазнат». 22.40 Теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнири қўндалиги. 23.10 «Ахборот-дайджест». 23.30-23.35 Ватан тимиоллари. «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр тонги. 9.15 «Янги авлод» почтаси. «Савол беринг, жавоб берамиз».

ПАЙШАНБА, 12

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайраси»: «Кўшимчи - жон қўшимчи».

9.00 1. «Кўшимчи - жон қўшимчи». 2. «Кичиктойимиз-гичиктойимиз». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар 10.05 «Муслик» кеча ва бугун». 10.20 «Буланка» меҳмонхонаси.

11.55, 15.05 ТВ анонс. 12.05 «Идиллар ва йўللар». 12.20 «Болалар учун». «Фламинго». 12.40 «Мувазнат». 13.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнири қўндалиги.

13.30 «Ошин». Телевизион. 14.10, 16.20 ТВ клип. 14.20 «Озод юрт одамлари». 14.40 «Достон» фольклор-этнографик ансамблининг концерти. 15. «Ит уяси». Телевизион премьераси.

16.00 «Портретга чиқилар». «Болалар сайраси»: «Болалар учун эрталоқлари. 16.30 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Болалар ва катталар».

17.35 «Дўстона беллашу». 18. «Ўзбекистон» XXI аср ёшлари. 18.30 «Ақли ниёт». Телевизион. 19.05 «Соғлом она - соғлом бола». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эрталоқлари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 Теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнирининг репортаж. 21.30 «Ошин». Телевизион. 21.40 «Остонаси тилолдан».

21.50 ТВ анонс. 15.00 «Ит уяси». Телевизион премьераси. 15.55 «Ўғона оилада». «Болалар сайраси»: «Кичиктойимиз-гичиктойимиз».

17.30 «Мулк». 18.00 Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси. «Пахтакор» (Тошкент) - «Ал Биҳда» (Иордания). «Пахтакор» махсусий стадионидан олиб кўрсатилди.

9.00 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Болалар ва катталар». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар 10.05 «Ишбилармон кишилар». Бадий фильм.

11.25 «Талингил намобон қил». Экранда «Фаргона вилояти. 11.50 ТВ клип. 12.05 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари». 12.25 «Меҳр қолур». 12.45, 13.55 ТВ анонс.

12.50 Теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнири қўндалиги. 13.20 «Оламини асра». Телевизион. 14.10 А. Авлоний. «Адвокатлик осмони» Еш томошабилар театрининг спектакли.

15.35 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Насаб» (Бухоро) «Навоҳар» (Қизилқум). «Болалар сайраси»: «Болалар ва катталар». 17.05 1. «Уйла, изла, топ». Телевизион-бака. 2. «Боланинг мовий осмони».

18.10 «Тибобит одимлари». 18.25 «Орзулар қанотида». 18.40 «Бир жуфт қўшиқ». «Болалар сайраси»: «Болалар ва катталар». 19.05 «Хўлат сари». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эрталоқлари. 20.15 «Нафс балоси». 20.30 «Ахборот». 21.05 Теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнирининг репортаж. 21.25 Ўзбекистон каналда илк мартаба: «Ошин». Телевизион премьераси.

22.00 «Кўнгли ира яхши ниёт». Н. Алимхусов. 22.25 Теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнири қўндалиги. 22.55 «Ахборот-дайджест». 23.15-23.20 Ватан тимиоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр тонги. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта тананафус».

9.20 «Ахборот-дайджест». 9.40 «Давр тонги». 9.50 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нимани асар?».

10.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нимани асар?».

осмони». 10.00 «Муслик бўстони». Телевизион. 10.20 «Хидоят сари». 10.40 Теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнири қўндалиги.

11.10, 12.55 ТВ анонс. 11.15 «Спирит - Симон оти». Мультифильм премьераси. 12.30 «Бугуннинг гапи». 13.00 ТВ-1 кинотеатри: «Кавказ асираси». Бадий фильм.

14.15 «Марфат». Телевизион. 14.35, 15.00 ТВ клип. «Адабий жаран»: 14.45 1. «Езувчи ва замон». 2. «Шеър ва шуур». 3. «Дунё адабиёти».

15.30 Болалар учун. «Миттивойлар оиласи». 16.00 «Ўғона оилада». 16.30 «Саҳна ҳаёти». 16.55 «Кўшимчи сизга армуғон». «Болалар сайраси»:

17.25 «Муҳжизалар майдончаси». Телевизион. 18.25 «Кишлоқ ҳаёти». 18.45 «Рангин дунё». 18.55 «Бу ағдарлик». Телевизион. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эрталоқлари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 Теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнирининг репортаж. 21.25 Ўзбекистон каналда илк мартаба: «Ошин». Телевизион премьераси.

22.00 «Кўнгли ира яхши ниёт». Н. Алимхусов. 22.25 Теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнири қўндалиги. 22.55 «Ахборот-дайджест». 23.15-23.20 Ватан тимиоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 8.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нимани асар?».

9.20 «Ахборот-дайджест». 9.40 «Давр тонги». 9.50 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нимани асар?».

10.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нимани асар?».

ҚАШНБА, 15

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

9.10 «Фарғина». 9.30 «Ака-ука Гримм эрталоқлари». Мультифильм. 10.00 «Ватанимга хизмат қиланам». 11.00 «Қуноқ шартлар». Телевизион-бака.

11.30 «Она меҳри». 11.40 ТВ клип. 11.55 «Кўшма замин оҳанглари». 12.20 «Ўттинчи жин». Бадий фильм. 13.20 «Муҳжизалар майдончаси».

14.20 «Қалб гахари». 14.40 ТВ клип. 14.50 ТВ-1 кинотеатри: «Ширин орзулар тонги» фильм. 16.40 «Барҳат наволари». «Болалар сайраси»:

17.05 1. «Олтин тож». Телевизион ўйини. 2. «Санъат гунаҳлари». 18.05 «Талабалик йилларим». 18.25 «Туртинчи хокимият». 18.45 «Оқ олтин». Телевизион. 19.15 Бир «Кўшма».

19.25, 20.00, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Тахлинома» (рус тилида) 20.05 «Оламга саҳмат». Кинокурсаути. 20.30 «Тахлинома».

21.15 «Яқинбада Сиз билан бирга». «Яқинбада кинозалини». 21.40 «Кўшма оҳанглари». 22.00 «Титаник». Бадий фильм. 1-2 қисмлар.

1.10-1.15 Ватан тимиоллари. «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги».

8.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нимани асар?».

Касаба уюшма спорти

МУРАБЕЙ — УСТОЗЛАР БАҲСИ

Ўлкамизда Мустақилликнинг 11 йиллигига бағишланган тантаналар, спорт мусобақалари ҳамон давом этмоқда. Қадимий ва навқирон Бухорода уч кун давом этган халқ таълими ходимларининг аниқ-анавий учинчи республика спартакиадаси ўзининг шуқуҳи, қалбларда қолдирган завқи билан ҳақиқий спорт байрамига айланиб кетди.

Спартакиаданинг очилиш маросимидда қатнашган ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси раиси Зоир Қодиров ва бошқалар мураббий спортчиларга омад тилашди.

Спортнинг инсон ҳаётида тугган ўрни бекиёс, - дейди вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитасининг раиси Бахшилло Умаров.

Бу борада вилоятимизда катта ишлар амалга оширилди. Ушлаб спорт иншоотлари қад ростлади. Қисқа даврда жаҳон андозаларига монанд «Бухоро» ўйингоҳи барпо этилди. «Семурғ», «Хумо», «Ёшлик» спорт мажмуаларининг довуғи тилга тушди. Яқиндагина «Универсиада-2002» спорт байрамини ўтказган шахримиз бугун ўз бағрига маърифатчи спортчиларни чорлади. Ушбу спартакиада халқ таълими соҳасида меҳнат қилаётган ходимлар ўртасида спортнинг оммавийлигини таъминлаб, шу билан биргаликда ёшлар қалбига спортга муҳаббат уйғотишга шубҳа йўқ.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» муҳбири.

Ўзбек халқи қадимдан болажон халқ ҳисобланади. Бешиқ эса ҳар ўзбек оиласи учун муқаддасдир. Янги туғилган чақалоқни фақатгина халқимизга хос урф-одатлар билан бешиққа белашади. Бувайда туманидаги Урта қишлоғида истиқомат қилувчи дурадгор уста Йигитали Дехқонов томонидан тайёрланган ўзбек бешиқ ва беланчаклари, болалар манежи бугунги кунда ўзига хос жиҳатлари билан нафақат юртимизда, балки хорижда машҳур бўлиб бормоқда.

ДИҚҚАТ — ЙИГМА БЕШИҚ

Мустақиллик биз хунармандлар учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Ҳеч бир ерда юртимизда бўлгани сингари халқ хунармандларига имкониятлар яратилмаган, - дейди Йигитали Дехқонов.

Яқинда Қозоғистоннинг Олмота шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон хунармандлари кўргазмасида моҳир уста томонидан тайёрланган миллий хунармандчилик намуналари юқори баҳоланди. Ва ўша ернинг ўзидаёқ ўз харидорига эга бўлди.

Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.



МЕДАЛ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Куни кеча яна бир хушхабар олдик. Испаниянинг Севилья шаҳрида ўтказилган байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича жаҳон чемпионатида касаба уюшма вакиллари Республика сув спорти мактабининг тарбияланувчилари юқори натижаларни кўлга киритдилар.

Чемпионат натижаларига кўра Антон Ряхов К-1 500 метр ораликда кумуш, К-1 200 метр ораликда эса бронза медали соҳиби бўлди. Яна бир спортчимиз Юлия Борзова 5-ўринни, Н.Пишулина, А.Москалева, Ю.Борзова, Т.Левина (МХСКА)лардан ташқил топган тўртлик эса 9-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

М.ЎРМОНБЕКОВА, ЎзКУФК матбуот котиби.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ТОШБУЛОҚДА ТЕННИС КОРТИ

Наманган вилоятида йирик спорт иншоотлари яна биттага қўлайди.

Тошбулоқ шаҳарчасида халқро андозаларга тўла жавоб берадиган ёпиқ теннис корти фойдаланишга топширилди. Корт Наманган тумани автомобил йўллари бошқармаси ҳисобидан қурилди.

Мажмуани тиклаш учун 110 миллион сўм сарфланди, деди бошқарма бошлиғи Тохиржон Наврўзов «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Унда ёшларнинг теннис билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган.

Туманда спорт оммавийлигига эътибор қучайтирилмоқда. Айти пайтда 30 мингдан ортиқ ёшлар жисмоний чиникиш омилларида кенг фойдаланмоқда. Туман марказидаги 15 минг ўринли, жойлардаги қўлаб стадионлар улар ихтиёрида.

Шоҳмат тождорлари

ЭММАНУЭЛ ЛАСКЕР

Жаҳоннинг иккинчи чемпиони Э.Ласкер (1868-1941) забардаст шоҳматчилар ўртасида алоҳида макега эга. У юксак маҳорат соҳиби эди. Ўйин жараёнида рақибнинг услубига ўзининг аниқ ва пухта режаларини қарама-қарши қўя олاردди. У, шунингдек, шоҳматга илм қудратини олиб кирган файласуф ҳамдир. Ласкер математика ва фалсафа фанлари доктори бўлиб, фоят билимдон эди. У чемпионлик тоҳини 27 йил мобайнида ҳеч кимга бермади. Европа бўйлаб кезиб, кўпгина мусобақаларда қатнашди, таниқли усталар билан баҳсларга киришди.

1889 йилдаги биринчи ўйинидаёқ у шоҳмат устаси унвонини олди. Кейин эса Берлин, Лондон, Вена, Манчестер, Ливерпул ва бошқа шаҳарларда зафар қучди. Стейниц каби Ласкер ҳам 1892 йилда ўша пайтларда йирик шоҳмат маркази бўлган Лондонга қўчиб келди. Шоҳмат даҳоси Алёксен у ҳақда шундай ёзган эди: Мен Ласкери танқид қилишни ўзим учун дегарли мумкин эмас, деб ҳисоблайман. «Санъаткор ва шоҳмат адиби сифатида унга нисбатан бўлган меҳрим шунчалик баянд. Ласкер ҳам ҳозирги, ҳам келажак авлод шоҳматчилари учун ўрнак бўлиб қолмоғи даркор».



Архив

Ласкер 20 дан ортиқ, шу жумладан, жаҳон биринчилиги учун етти матч ўйнаб, улардан атига биттасини бой берди ва бирини дуранг қилди. У жами 24 та йирик мусобақада қатнашиб, ўн учтасида биринчи бўлди, иккитасида биринчиликни бўлишиб олди, уч марта 3-ўринни эгаллаб, охириги йилларда, яъни 60 ёшдан ошгандан совиндорлардан кейинги ўринда қолди. Ласкер сўнги бор 1936 йилда Ноттингем турнирида иштирок этди. Ушанда у 68 ёшда эди.

Буюк Ласкер 1941 йил 13 январ куни Нью-Йоркда вафот этди. Аммо Алёхин ва Таль таъкидлаганидек, у ўзига абадий ҳайкал қўйиб кетди. Шоҳмат адиби сифатида ҳам Ласкернинг хизматлари катта. У кенг шуҳрат қозонган. «Шоҳмат - идрок». «Шоҳмат ўйин дарслиғи» каби китобларнинг муаллифидир. Бундан ташқари, бу қадимий ўйинга оид кўпгина мақолалар ёзди. «Шоҳмат тахтасида сохталиғи, риёкорликка ўрин йўқ. Шоҳматнинг гўзаллиги ҳаминша ҳаққонийликдир.» деган эди, Ласкер. Унинг ўзи ҳам бир умр ана шу ақидага амал қилди.

Анвар ИНОҚОВ, Шоҳмат бўйича спорт усталлигига номзод.

ЭТИРОФ

Жаҳон чемпионлари ичида буюғи, шубҳасиз Ласкердир. У шоҳмат тахтасида бўлмайдиган нарсани бўлдирган. Қутилмаган зарбалар беришда, энг қийин, қаршилик кўрсатиш бейфойда туюлган кезларда ҳам илж топишда унга тенг келадиган йўқ эди. Михал ТАЛЬ, жаҳоннинг собик чемпиони.

УЛАР МОСКВАДА ЎҚИШМОҚДА

Тошкент кимё-технология институти ҳузурда фаолият кўрсатаётган академик лицейни бу йил бир неча толиби илм муваффақиятли битирди. Уларнинг аксарияти тест синовларидан яхши ўтиб, олий ўқув юртлири талабалари бўлишди.

Лицейнинг иқтидорли ва аълочи ўқувчиси Расулбек Бобононов эса ҳужжатларини Москва кимё-технология университетида топширди. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган бу умидли ёш янги ўқув йилини шу нуфузли олий ўқув юртида бошлади.

Лицейнинг яна бир битирувчиси Алексей Ан эса Бауман номидаги Москва Давлат техника университетида талабаси бўлди. У ўқув жараёнида компьютер технологияси мутахассислигини пухта эгаллаш билан ҳам шуғулланади.

Ўзбекистонлик бошқа толиби илмлар вакиллари ҳам бу нуфузли олий ўқув юрти ўз бағрига олди.

А.АЛИЕВ.

ТАРИХ СОЛНОМАЛАРИДАГИ РАҚАМЛАР

«Пахтакор» таркибида расмий ўйинларда Михаил Ан 57 та гол урди, жумладан: олий лигада — 30 та, биринчи лигада — 17 та, кубок ўйинларида — 5 та, халқаро ўйинларида — 5 та.

Олий лигада Ан 138 та ўйинда, биринчи лигада эса 94 та ўйинда майдонга тушди ва ушбу кўрсаткичлари орқали Михаил «Пахтакор»нинг бутун тарихи давомидаги кучли ўйинчига кирди. Уч марта Михаил Ан жамоанинг чемпионатлардаги энг сермахсул ўйинчиси бўлди: 1974 йил — 11 та тўп, 1975 йил — 8 та тўп, 1977 йил — 10 та тўп.

1974 йили Михаил «хет-трик»ка эришди, бу ҳолат Олмаотанинг «Қайрат» жамоаси билан Тошкентда ўтказилган ўйинда юз берди.

Михаил Ан мамлакатнинг энг сермахсул пенальтичиларидан бири ҳисобланар эди. Бутун фаолияти давомида берган 17 та пенальти зарбасидан фақат биттаси хато кетди. «Пахтакор»нинг ярим ҳимоячиси икки марта (1974, 1978) мамлакатнинг 33 та энг яхши футболчилари таркибидан ўрин олди, биринчи терма жамоа таркибид эса фақат икки марта майдонга тушишга улгурди.

Спортда эришган улкан муваффақиятлари учун Михаил Анга Халқро тоифадаги спорт устаси унвони берилди.

Ўзбек футболу — 90 ёшда

олий лигани тарқ этди, бироқ Тошкент жамоасининг амалдаги бош ўйинчисини ҳамма тан олди».

1976 йили ҳаммасини бошидан бошлашга тўғри келди. Команда раҳбарлигига шу вақтга қадар бош мураббий амалиётига эга бўлмаган, урушдан кейинги йилларда Москванинг ЦДКА жамоасининг таниқли ҳимоячиси Анатолий Башашкин келди. Чиройли ўйинлар очик-ойдин муваффақиятсизликлар билан алмаша бошлади.

Шундай бўлса-да, Михал

МИХАИЛ АН



ва Веремеев эса ушбу жамоада энг кўзга ташланарли ўйинчилардан эдилар.

Чигринцев эса «Комсомольская правда»даги газета шарҳловчисининг кўпгина ўйинлар давомида сафарда ҳам, уйда ҳам ютказмаган, кўтарилишда бўлган Москванинг «Торпедо» жамоаси нима учун тустадан Тошкентда ютказиб қўйилганидан ҳайратда қолган мақоладини эслашди. Журналист вазиятини шарҳлаб бериш учун «Торпедо»нинг етакчи ўйинчиларидан бирига мурожаат қилганида у қалам соҳиби каби жайратга тушмади:

«Ўзбекистондан очко олмасдан кетиш уят эмас. Аксинча, шунга аминманки, агарда тошкентликларнинг ўйинлари қовушаётган бўлса, ҳакамнинг одилона ҳаракатлари остида улар Голландия терма жамоасини ҳам муаммоларсиз мағлуб этишарди...»

«Учар голландияликларнинг аjoyиб ижроларидаги тотал футбол эса ушанда ушбу буюқ ўйиннинг энг яхши умумжаҳон намуналаридан бири эди... Уша мавсумда «Пахтакор»

СУПЕРКУБОК СОҲИБИНИНГ «ТАСЛИМ» ЭТИЛИШИ

1975 йил 17 октябр. Олий лига.

«Пахтакор» — «Динамо» (Киев) 5:0 (1:0). Тошкент. «Пахтакор» стадиони. 15 миғ ишқибоз. «Пахтакор»: Филатов, Корченко, Иванов, Могилий, Белов, Серостонов, Жуков, Ан, Исоқов, Фёдоров, Хадзиабанов.

1975 йил мамлакат чемпиони бўлишдан ташқари, аjoyиб тарзда Европа мамлакатлари кубок эгаларининг Кубоги ва Суперкубоки кўлга киритган Киев «Динамо»чиларининг йили бўлди. Киевликлар етакчиси Олег Блохин қаторасига учинчи марта мамлакатнинг энг яхши футболчиси, тўртинчи марта — энг сермахсул ҳужумчиси бўлди, шунингдек, Европанинг энг яхши футболчиси сифатида «Олтин тўп»ни кўлга киритди. «Динамо» (Киев) жамоаси 12 футболчисининг мамлакат 33 нафар энг яхши ўйинчилари қаторига киритилиши ҳам илгари ҳеч юз бермаган ҳодиса эди.

Ушбу ўйинда «Пахтакор» катта руҳий кўтарилиш билан ўйнади. Иккинчи таймининг ўрталаридаёқ тошкентликлар 3:0 ҳисобида олдинда эдилар. Ўйин тугашига 10 дақиқа қолганида киевликлар ўз дарвозаларидан 20 метр нарироқда ўйин қондасини буздилар. Жарима тўлини теган Михаил Ан шунчалик айланма ҳаракатга келтирдикки, дарвозабоннинг унга қўли етмай қолди. Ўйин тугашига икки дақиқа қолганида пенальтидан Михаил ҳисобни 5:0 га етказди!

Бу ажаблანарли ҳол эди. Зеро, Тошкентдаги ўйиндан атига 10 кун олдин «Динамо» юз миғ ишқибоз шоҳидлигига Европа чемпиони қубоғини қўлга киритган Мюнхеннинг «Бавария» жамоасини жуда аjoyиб тарзда мағлуб этганди. Бу ўзбекистон пойтахтидаги ўйинда бўлган таниқли журналистлардан бирининг «Қандай бахти, динамочилар Европа суперкубоғи учун ўйинда Тошкент жамоаси билан эмас, балки «Бавария» билан беллашдилар!» дея ҳазил қилишга имкон туғдирди.

Тошкентлик журналист Александр Чигринцев украин (Охири. Боши ўтган сонларда).

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафэр Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибят 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерли терилди ва сақидиланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.